*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 237 (20. 205) • 1988 йил 15 октябрь • шанба

Баҳоси 3 тийин.

# ҚИШЛОҚДА ИЖАРАНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК, ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҚАЙТА ҚУРАЙЛИК

Илгари хабар қилинганидек, 12 октябрь куни КПСС Марказий Комитетида ижара пудрати қўлланилаётган колхозлар, совхозлар ҳамда агросаноат комплекси бошқа корхоналарининг раҳбарлари, ижара коллективларининг ходимлари, район партия комитетлари секретарлари, олимлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан учрашув бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев учрашувни оча туриб бундай деди:

— Ўртоқлар, мен сизларнинг ҳаммангизни партиямиз Марказий Комитетида қутлайман. Биз агросаноат комитети вакилларини, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларини, ижара коллективларининг бевосита раҳбарларини, ижарачиларни, агросаноат комитетининг қайта ишлаш саноати ходимларини, қишлоқ район партия комитетлари секретарларини, министрлар группасини, агросаноат комплекси билан боғлиқ бўлган бошқа ўртоқларни таклиф қилганмиз. Бутун жамият, мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари агросаноат комплекси муваффақиятли ишлашидан, унинг яхши натижаларидан астойдил манфаатдордир.

Умуман, бу учрашувни биз сизлар билан маслаҳатлашиш мақсадида режалаштирган эдик. Гарчи қишлоқ хўжалигида қишловга ўтиш билан боғлиқ бўлган муҳим ишлар бошланаётган, ҳар бир кун кўкламдагидек катта аҳамият касб этаётган бўлишига қарамай, ўрим-йиғим палласи авжи бироз пасайган пайтни танладик. Бу, биринчидан.

Иккинчидан, биз олдинда йил ва умуман беш йилликнинг ўтган йиллари якунларини чуқур ўйлаб кўриш керак бўлган, қайта қуриш йилларида нималар кўпайдию, қишлоқ хўжалигидаги ишлар қандай ўзгаряпти, деган назар билан чуқур ўйлаб кўриш керак бўлган палла—қиш даври турганлигини ҳисобга олдик. Хўш, нималар бўляпти, бу уч йил нималарни кўрсатди, нимага диққат-эътиборни қаратиш керак, қандай вазифаларни дарҳол, фурсатни қўлдан бермай ҳал қилиш керак, нималардан бутунлай воз кечиш керак? Мен қишлоқ хўжалигида ва умуман аграр секторда тараққиётни тўхтатиб турган, демакки мамлакатимизни озиқ-овқат билан таъминлашдек энг муҳим социал-иқтисодий ва социал-сиёсий вазифалар ҳал этилишини тўхтатиб турган барча нарсаларни назарда тутмоқдаман.

Яна бир гап. Бу ойлар, балки хўжалик юритишнинг янги формаларига ўтишда қайта қуриш йилларидаги энг фаол ойлар бўлар. Бу ерда мазкур жараёнга кириши кетган, дастлабки тажрибаларни ҳам тўплаган, балки қувонч ва дилсиёҳликни ҳам тотиб кўрган, ҳатто дакки ейишга ҳам улгурган айрим кишилар ҳозир бўлдилар... Аммо хўжалик юритишнинг янги методларини ўзлаштиришнинг мазкур мактаби зарур, бинобарин, бу мактабда ҳамма вақт биринчиларга, бу ишни ўзлаштираётганларга, ҳеч ким босиб ўтмаган йўллардан бораётган кишиларга қийинроқ бўлади.

Бизнинг ниятимиз шуки, бу йўлдан бутун қишлоқ хўжалиги, бутун аграр сектор бориши керак. Демакки, боя айтганимдек, айнан шу ойларда — куз ва қиш мавсумларида кўпгина ишлар қилина бошланади. Колхозлар, совхозларда, аграр секторнинг бошқа бўлинмаларида раҳбарлар, мутахассислар, иқтисодчилар иштирокида, партия, совет ходимлари иштирокида балки айнан шу дамларда қишлоқда янги методларни ўзлаштириш жараёнини, иқтисодий муносабатларни қайта қуриш жараёнини ҳаракатга келтириш тўғрисида, уни росмана ҳаракатга келтириш тўғрисида кўп гаплар бўлса керак.

Биз бу учрашувга узоқ мақсадни кўзлаб тайёргарлик кўрдик. Февраль ойида партия Марказий Комитетининг Пленуми бўлиши керак. Биз бу Пленумда ўтган йиллар тажрибасини, аслини олганда социализм йилларида қишлоқ хўжалигини юритишнинг янги усулларини ўзлаштира бошлаган ва узоқ муддатли аграр сиёсатни ишлаб чиқа бошлаган ва айниқса сўнгги йилларда хўжаликни юритиш тажрибасини қайтадан идрок этишимиз лозим бўлади.

Аграр ишнинг ўзи уни ҳал этишда ҳамма иштирок этишини тақозо қилади, бусиз эса озиқ-овқат масаласини ҳал этиб бўлмайди. Бу умумхалқ иши халқ хўжалигининг барча тармоқларига ҳам тааллуқлидир. Шу боисдан экономикамизнинг барча секторлари бу масалада аниқликка эга бўлишлари лозим. Албатта, бу ўринда аввало аграр сектор ходимлари, қишлоқ меҳнатчилари манфаатдордирлар. Уларда бирон-бир иш билан шуғулланиш керакми ёки йўқми, бу ишончлими ёки ишончсизми деган савол пайдо бўлмоқда. Хўш бу нима — экспериментми ёки давлатнинг узоқ муддатли сиёсатими? Табиийки ижара сингари бирон-бир ишга киришганингда, кўп йилларни мўлжаллашинг табиий.

Яқинда Красноярскда бўлган пайтимда у ерда кооператорларнинг, мамлакатда кооператив ҳаракатининг тақдири қандай бўлади, деган масала жуда қизғин муҳокама этилганини эслайман. Ҳамма нарса ҳам силлиқ ўтавермайди. Кооператорлар орасида ҳақиқатан ҳам ташаббусни, топқирликни, хўжалик мустақиллигини, омилкорликни кўрсатишга, йирик корхоналар ҳал этолмаслиги мумкин бўлган кўпгина масалаларни ҳал этишда, бизнинг халқ хўжалигимизда мавжуд бўлган тирқишларни ёпишда жамиятга кўмаклашадиган жуда кўп ҳалол кишилар бор. Бизнинг мамлакатимиз ҳам, чет эллик дўстларимиз ҳам орттирган аввалги тажрибаларга таянувчи сиёсатимиз айни шу мақсадни кўзлайди. Аммо жамиятга қарши унсурлар ҳам ўзларининг ғайриқонуний даромадларини кооперативлар орқали рўёбга чиқариш имкониятини қўлга киритдилар.

Булар ҳаммаси бор гаплар. Биз уларни кўрмаяпмиз ва билмаяпмиз деб ўйламанг. Йўқ, ҳозирги ошкоралик пайтида ҳамма нарса маълум. Лекин биз ваҳима қилмай, бу ҳолларнинг ҳаммасини ўрганиб чиқяпмиз. Бундай ўрганишни чўзиб юбормаслик, аксинча шу турдаги кўринишларга иқтисодий, маъмурий таъсир этувчи омилларни топиш керак деб ўйлайман. Лекин биз принцип жиҳатдан кооператив секторни ривожлантириш тарафдоримиз.

Красноярскда мендан: «Михаил Сергеевич, мана Сиз шахсан кооперативлар тарафдоримисиз ёки унга қаршимисиз?», деб сўраб қолишди. Мен эса бу саволни берган кишидан: «Эҳтимол, сиз кооператор бўлсангиз керак» деб сўрадим. «Ҳа, кооператорман. — деди у, — аммо бу иш билан бундан кейин шуғулланиш керакми ёки йўқми эканлиги тўғрисида аниқ билишни хоҳлайман».

Кўрдимки у ҳалол, виждонли киши экан, тўғри мулоҳаза юритяпти, лекин баъзи бир нарсаларни тушуниб олишни истаяпти, холос. Фақат угина эмас. Ҳамма келгусида аграр сиёсат қандай бўлишини кутмоқда. Бу ўринда бутун жамият учун, экономиканинг барча секторлари учун, албатта, биринчи навбатда, қишлоқ меҳнатчилари учун тўла-тўкис аниқлик бўлиши керак.

Илм-фанга ҳам, тўпланган тажрибага ҳам таянадиган шундай сиёсат йўлига чиқиб олишимиз учун биз ҳамма вақт ишончли ахборотга, айниқса янги жараёнлар ҳақидаги ахборотга эга бўлишимиз лозим. Чунки бизнинг аграр сиёсатимиз аввало сўнгги йилларда тўпланган бутун тажрибани ўзига жо этишга йўналтирилган бўлади, деб ўйлайман. Шу маънода ҳозирги учрашув биз учун, раҳбарият учун, Марказий Комитет учун, ҳукумат учун қимматлидир. Бу учрашув аграр сиёсатга тааллуқли масалалар — бугунги кунда сиз бу сиёсатни қандай тушуняпсиз, келгусида бу сиёсат қандай бўлишини хоҳлайсиз деган масалалар хусусида очиқ-ойдин, эркин фикрлаш, шу хусусдаги ўз фикрларингизни айтишга имкон бўлиши учун уюштирилган.

Биз сизларни ёқимли нутқлар эшитиш учун эмас, балки сизлардан ахборот олиш, сизларнинг фикрингизни билиш, сизлар билан маслаҳатлашиш учун таклиф этганмиз. Гап ўз фикрингизни адабий формада айтиб беришингизда эмас, балки ўз мулоҳазаларингизнинг моҳиятини чуқур тушунтириб беришингиздадир. Шунинг учун хоҳловчиларнинг ҳаммаси сўзга чиқиши мумкин. Суҳбатимиз демократик асосда ўтиши лозим.

Ҳозир биз учун бир қанча асосий муаммолар равшанлашгандек бўлиб қолди. Бу муаммоларни ҳал этмасдан туриб аграр сектордаги иш юришиб кетмайди. Биз шундай тушунамиз: хўжалик юритишнинг янги усулларини ўзлаштирмай, аграр сектор зарур суръатга эришолмайди, ҳосилдорлик ҳамда фермаларнинг маҳсулдорлиги бўйича ва умуман қишлоқда қайта қуриш ишлари бўйича янги даражага чиқа олмайди. Бу ғоятда муҳим проблемаларнинг биринчи группасидир. Бу проблемаларни ҳал этишга чинакамига киришиш керак. Чунки шуни рўй-рост айтайликки, баъзи бировлар бу мураккаб вазифага яқиндан ёндашар эканлар, мана икки-уч йилдирки, бир жойда депсиниб турибдилар. Турмуш эса ер ҳам, ферма ҳам маҳсулот беришини талаб қилмоқда. Чунки бу маҳсулот жамиятимиз учун ғоят зарурдир.

Биз қишлоқ хўжалигимиз хўжалик юритишнинг янги методларини ўзлаштириш йўли билангина эмас, айни пайтда илғор интенсив технологияларни ўзлаштириш асосида олға томон силжиши мумкинлигини ҳам кўриб турибмиз. Бу эса деҳқончиликка ҳам, шунингдек чорвачиликка ҳам тааллуқлидир. Мен буни бир хил нарсанинг иккита ҳал қилувчи томони — хўжалик юритишнинг янги методларини ўзлаштириш ва биотехнология, селекция, техника, химия соҳасидаги ютуқлар асосида — кейинчалик синтез қилиниб, интенсив технологияни ташкил этадиган барча нарсалар асосида янги технологияларни ўзлаштиришдир, деган бўлур эдим.

Учинчи. Мана шу барча илғор методларни, интенсив технологияларни одамлар ўзлаштиришлари керак. Шунинг учун қишлоқда ўз шароитини яхшилаб олмаган одамларсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Биз биламизки, қишлоқда муаммолар анчагина. Қишлоқнинг социал инфраструктураси, уни социал жиҳатдан қайта қуриш — масалаларнинг навбатдаги группасидирки, уларсиз аграр сиёсатни амалга ошириб бўлмайди Бу масалаларнинг ҳал этилиши шундай социал муҳитни вужудга келтирадики, унда инсон ўзини нормал ҳис этади, унинг оиласи нормал яшайди. У ишга бутунлай берилиб ишлай олади, айтиш мумкинки, илм-фанга ҳам, техникага ҳам таяниб хўжалик юритишнинг янги методларидан фойдаланиб ишга киришади.

Масалаларнинг тўртинчи группаси — маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш, ташиш муаммоларидир. Бугунги кунда мазкур муаммо шунчалик муҳим, шунчалик долзарб муаммоки, бу соҳага биринчи навбатда ресурслар сафарбар этилиши керак. Агар биз ҳозирнинг ўзидаёқ колхоз ва совхозлар етиштираётган маҳсулотларни қайта ишлаб, йиғиштириб олиб, ташиб, сақлаб ва қайта ишлаб, магазин пештахтасигача, истеъмолчигача етказиб берганимизда биз олган қўшимча фойда бирданига камида 25 процентни, бир қанча жиҳатлардан эса 40 процентни ташкил этган бўлур эди.

Иқтисодчилар қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқаришга капитал маблағ сарфлангандан кўра айни ана шу маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлашга капитал маблағ сарфлаш 3—4 баравар самаралироқ бўлишини ҳисоблаб чиқдилар. Аслини олганда ҳам маҳсулотни нестнобуд қилиш учун ишлаб чиқаришнинг нима кераги бор? Ахир бу бориб турган бемаъниликдир. Бунга ҳеч бир йўл қўйиб бўлмайди.

Биз 7 йилга деярли 80 миллиард сўм капитал маблағ ажратдик, машинасозликнинг барча тармоқларини, жумладан мудофаа тармоқларини бунга жалб этдик. Яқин вақтларда аграр , сектор ходимлари иш яхши томонга ўзгараётганини ҳис этишлари керак.

(Давоми 2-бетда).

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 13 октябрь куни бўлган навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг СССРда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга бағишланган Пленумига тайёргарлик масалаларини кўриб чиқди. Қайта қуриш, демократиялаш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш шароитида кўп миллатли мамлакатимиз учун бу муаммонинг ғоят муҳимлиги ва актуаллиги таъкидланди.

Совет ҳокимияти йилларида СССРда миллий масалани ҳал қилиш юзасидан тарихий муҳим ишлар амалга оширилганлиги, миллатлар ва элатларнинг амалда тенглигига эришишда, халқлар ўртасидаги қардошлик муносабатларини мустаҳкамлашда, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашда жозибадор натижалар қўлга киритилганлиги таъкидлаб ўтилди. Совет кишилари бу натижалар билан ҳақли равишда фахрланадилар. Лекин миллатлараро муносабатларни ривожлантиришда ҳал этиш лозим бўлган кўпгина масалалар аста-секин тўпланиб қолди. Эришилган натижаларга таяниб, ўтмишдан сабоқ чиқариб олиб, қайта қуриш жараёнида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга доир барча ишларни янги даражага кўтариш керак.

Ўзаро ёрдам ва қардошлик, социалистик интернационализм, ҳар бир миллат ва элатнинг манфаатларини тўла ҳисобга олиш принципларида совет федерациясининг чинакам уйғунлигига эришиш, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар ҳар бир одам Ватанимизнинг ҳамма жойида ўзини ўз уйидагидек ҳис қилишига эришиш энг муҳим ишдир. Шу билан бирга демократия ва ошкораликдан демократияга зид мақсадларда, умумий интернационал ғалабаларимизни обрўсизлантириш, миллатлар орасига нифоқ солиш учун фойдаланишга ҳар қандай уринишларга йўл қўйиб бўлмаслиги уқтириб ўтилди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг сиёсий йўл-йўриқлари Пленумга тайёргарликка доир барча ишларга асос қилиб олиниши керак. Пленумга тайёргарлик кўришга кенг партия активларини, олимларни, республикаларнинг жамоатчилигини жалб этиш тавсия қилинди.

Халқ истеъмоли товарлари чакана нархлари ва аҳолига кўрсатиладиган хизмат тарифлари билан боғлиқ ишларнинг аҳволи кўриб чиқилди. Муҳокама қилиш чоғида халқ фаровонлигини ошириш, социал адолат ҳамда юқори унумли меҳнатни рағбатлантириш принципларини тағин ҳам тўлароқ амалга ошириш вазифаларига мос келадиган чакана нарх сиёсатини ўтказишнинг муҳим социал-сиёсий ва иқтисодий аҳамияти таъкидланди.

Чакана нархлар ва хизмат тарифларини асоссиз равишда ошириб юбориш, корхоналарнинг молиявий кўрсаткичларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархини ошириш йўли билан, шунингдек аҳоли талаб қилаётган арзон товарлар ишлаб чиқаришни камайтириш ҳисобига яхшилаш практикаси йўл қўйиб бўлмайдиган практика деб ҳисобланди.

Иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг, маҳаллий бошқарув органларининг эътибори улар жойларда нарх сиёсатини ўтказишда катта хатоларга йўл қўяётганликларига қаратилди.

Сиёсий бюро аҳолининг турли группалари, айниқса кўп болали оилалар, кекса ва кам таъминланган одамларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб хилма-хил товарлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида хўжалик механизмини янада такомиллаштириш, нархлар ва даромадлар даражаси устидан контролни кучайтириш юзасидан зарур чораларни кўришни СССР Министрлар Советига тавсия қилди.

Сиёсий бюро савдо ва умумий овқатланиш иши, корхоналарнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш структурасини белгилаши, уларнинг сифати, давлат ва кооператив ташкилотлари нарх интизомига риоя қилишлари устидан жамоат контролини ташкил этишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ВЦСПС таклифига қўшилди. Истеъмолчилар жамиятини тузиш ва бу муҳим ишда касаба союзларининг фаол ташкилотчилик ролига доир ташаббус қўллаб-қувватланди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотида ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлиги таҳлил этилди. Сўнгги вақтда ҳарбий кенгашлар, командирлар, сиёсий органлар ва штаблар ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш масалаларига эътиборни кучайтирганликлари қайд этилди. Қисмларда ва бўлинмаларда уставда белгиланган тартибни сақлаш ишидаги аниқ-равшан натижалар учун раҳбар командир-сиёсий кадрларга нисбатан талаб оширилди. Партия ва комсомол ташкилотлари коммунистлар ва комсомолларнинг хизматда ва шахсий хулқидаги камчиликларга тағин ҳам ўткирроқ фикр билдирадиган бўлиб қолдилар, бу эса ҳодисалар, жиноятлар ва қўпол ҳуқуқбузарликлар сонини бирмунча камайтиришга имкон берди.

Совет жангчилари Афғонистонда интернационал бурчни бажариш чоғида, Чернобиль атом электр станциясида авария оқибатларини тугатишда ва бошқа фавқулодда ҳолатларда юксак онгли интизом, мардлик ва матонатни намойиш этдилар.

Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети томонидан қўйилган асосий вазифа— армия ва флотда ҳарбий интизомни тубдан мустаҳкамлаш вазифаси секинлик билан ҳал этилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги уставга хилоф ўзаро муносабатлар, жанговар навбатчилик қоидаларини бузиш ҳоллари, жанговар техниканинг аварияга учраши фактлари жиддий ташвиш уйғотмоқда. Сиёсий ва ҳарбий тарбия беришда, айниқса ҳарбий хизматчилар билан якка тартибда иш олиб боришда расмиятчилик тугатилмаган, одамлар билан жонли мулоқот ўрнига кўпинча тўқиб чиқарилган планлар, кўп сонли кенгашлар, буйруқлар ва кўрсатмалар бериш билан шуғулланилмоқда.

КПСС Марказий Комитети Мудофаа министрлиги ҳамда Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси раҳбарларидан ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча комплекс чораларни кўришни талаб қилди. Асосий куч-ғайратни армия ва флот ҳал этаётган вазифаларнинг сифатига ва уларнинг жанговар тайёргарлигига ёмон таъсир қилаётган салбий ҳодисаларни бутунлай тугатишга қаратиш керак.

Раҳбар коммунистлар, штаблар, сиёсий органлар ва партия ташкилотлари ҳар бир қисмда ва бўлинмада уставда кўзда тутилган қатъий тартибни таъминлашлари, қўшинларга раҳбарлик усулларини фаоллик билан такомиллаштиришлари лозим. Тарбиявий ишларнинг барча формалари самарадорлигини ошириш, бу ишларни одамлар томон тубдан буриб юборишни таъминлаш зарур. Ҳар бир ҳарбий хизматчи ўз ватанпарварлик бурчини чуқур англаб етишига, ҳарбий қасам ва ҳарбий уставлар талаблари онгли ва бекаму-кўст бажарилишига эришиш керак. Маҳаллий партия, совет органларига, жамоат ташкилотларига чақириқ ёшига етмаган ва чақириқ ёшидаги йигитларни ҳақиқий ҳарбий хизматга тайёрлаш масалаларига эътиборни кучайтириш таклиф қилинди.

Армия ва флотда социал-маданий соҳадаги қолоқликни тугатиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини моддий-маиший жиҳатдан таъминлашни яхшилаш тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилди.

Сиёсий бюро Австрия федерал канцлери Ф. Враницкий расмий визит билан СССРда бўлган чоғида М. С. Горбачевнинг у билан олиб борган суҳбатлари ва Н. И. Рижковнинг музокаралари якунларини маъқуллади. Олий даражадаги учрашув жаҳон ва Европа сиёсати масалаларида кенг ҳамжиҳатликни, томонларнинг Совет— Австрия муносабатларини янада кенгайтиришга интилишларини кўрсатганлиги таъкидлаб ўтилди. Совет— Австрия муносабатлари турли социал тузумдаги мамлакатларнинг ўзаро яхши қўшничилик алоқалари намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Л. Н. Зайковнинг Варшавада Москва кунлари байрамида қатнашиш учун Польша Халқ Республикасига сафари натижалари кўриб чиқилди ва маъқулланди. Польша пойтахти коммунистлари, жамоатчилиги билан учрашувлар қайта қуриш ва социал янгиланиш тажрибасига ўзаро қизиқиш кучайганлигидан далолат бермоқда. Совет —Польша ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболларига ғоят қулай истиқбол, деб баҳо берилди.

Мажлисда Э. А. Шеварднадзенинг Францияга расмий визити якунлари муҳокама қилинди ва маъқулланди. Президент Ф. Миттеран, Франциянинг бошқа давлат арбоблари билан суҳбатлар Совет— Франция сиёсий мулоқоти даражасини оширишдан, икки томонлама амалий ҳамкорликни такомиллаштиришдан ҳар икки томоннинг манфаатдорлигини кўрсатди. М. С. Горбачев ва Ф. Миттераннинг бўлажак учрашувлари халқаро ишларда иккала мамлакатнинг амалий баҳамжиҳат ҳаракатлари соҳасини кенгайтиришга кўмаклашиши, турли соҳаларда Совет — Франция ҳамкорлигига янги сиёсий суръат бахш этиши лозим. Икки мамлакат раҳбарлари муҳокамасига қўйиладиган амалий масалаларни пухта ишлаб чиқиш топширилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Коммунистик партия ички ва ташқи сиёсатининг баъзи бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқди.

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 14 октябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

**(Планга нисбатан процент ҳисобида)**

| Областлар | Бир кунда | Мавсум бошидан | Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда | Шу жумладан машинада терилгани: Мавсум бошидан |
|---|---|---|---|---|
| Хоразм | 1,30 | 93,60 | 0,90 | 55,74 |
| Тошкент | 1,94 | 93,53 | 2,02 | 98,48 |
| Қашқадарё | 1,85 | 82,15 | 1,68 | 70,79 |
| Бухоро | 2,70 | 77,99 | 2,40 | 61,04 |
| ҚҚАССР | 1,78 | 76,79 | 1,87 | 75,73 |
| Сирдарё | 2,52 | 74,19 | 2,71 | 83,47 |
| Сурхондарё | 1,84 | 72,39 | 1,92 | 85,81 |
| Фарғона | 1,69 | 72,26 | 0,96 | 34,72 |
| Наманган | 1,68 | 71,58 | 1,55 | 49,66 |
| Андижон | 1,13 | 57,34 | 0,60 | 23,30 |
| Самарқанд | 2,30 | 51,81 | 2,57 | 44,16 |
| Республика бўйича: | 1,92 | 73,50 | 1,83 | 63,32 |
| **Шу жумладан ингичка толали пахта:** | | | | |
| Сурхондарё | 2,14 | 82,00 | 3,30 | 141,34 |
| Наманган | 1,44 | 78,02 | — | — |
| Қашқадарё | 2,82 | 71,38 | 4,88 | 101,90 |
| Самарқанд | 2,50 | 52,78 | 2,07 | 18,17 |
| Бухоро | 0,39 | 8,83 | — | — |
| Республика бўйича: | 2,25 | 74,75 | 3,77 | 122,12 |

## ТЕХНИКА—ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

**✦ Коммунистик райони Тошкент областида иккинчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди. Давлат омборларига 22 минг тоннадан зиёд хом ашё етказиб берилди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори сортларга қабул қилинди.**

Машина терими плани эса 110 процентдан ошиб кетди. Бу маҳаллий партия, совет ва жамоат ташкилотлари, агросаноат бирлашмасининг терим мавсумида ҳал қилувчи восита — техникага муносабатни тубдан ўзгартирганликларидан ёрқин далолатдир. Ваҳолонки, ўтган йили районда машина терими салмоғи атиги 57 процентни ташкил этганди. Бу ҳол пахтакорлар учун сабоқ бўлди. Шу боис бу йил чигит экишдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олишгача техникадан унумли фойдаланилди. Натижа самарали бўлди. Йиллик планларини бажариб, район хирмонига баракали улуш қўшган Свердлов номли, «Ленинский путь», «Политотдел» ва «Правда» колхозларида машина терими топшириғи 110-120 процентдан ошиб кетди.

**Телефонда райондаги «Правда» колхозининг бош агрономи В. ПАК:**

— Хўжаликда асосий юмушлар техника зиммасига юкланди. Механизаторлар 48 та «зангори кема» билан ҳосилнинг 80 процентини териб олишди. 80 киши эрта баҳорданоқ ёш механизаторлар курсида ўқитилди. Терим мавсумида ҳар куни агрегатлар бункеридан 10-15 тоннадан пахта бўшатган Бозор Холдоров, Андрей Цой, Раҳим Исмоилов, Владимир Чен, Қўшоқ Аширбоев сингари тажрибали механизаторлар уларга бош-қош бўлдилар. Шунингдек, пахтакорларимизнинг йил бошиданоқ хўжаликни юритишнинг чек системасига ўтиб ишлаётгани ҳам колхоз экономикасига сезиларли таъсир қилди. Ҳар бир тийинни қатъий ҳисобга олиб, жорий йилда фақат пахтачиликнинг ўзидан тўрт миллион сўм даромад бўлишини кўзлаяпмиз...

МУХБИР ШАРҲИ:

**Ишга бўлган бундай янгича ёндашув, ташаббускорлик ва изланиш самараларини райондаги барча хўжаликларда кўриш мумкин. Улар эришган ва эришаётган ютуқлар район меҳнат аҳлини ғалаба маррасига олиб келди.**

А. МАННОПОВ.

## Маррага етганлар

● **Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли колхоз ғалаба маррасини эгаллади. Она-Ватанга 11 минг тоннага яқин «оқ олтин» сотилиб, унинг 94 проценти биринчи сортга қабул қилинди. 92 процент ҳосил машиналарда териб олинди.**

● **Бувайда районидаги Карл Маркс номли колхоз пахтакорлари ҳар гектар майдондан 31 центнердан ҳосил етиштириб, пахта тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Давлатга 4550 тоннадан зиёд уруғлик пахта етказиб берилди. А. Йўлдошев, Қ. Умаров, И. Аҳмедов, И. Файзиев бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 34—35 центнердан ошди.**

● **Хонқа районидаги «Победа» колхози пахтакорлари айни кунларда социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар. Бугунгача улар она-Ватанга 3700 тонна хом ашё етказиб беришди. Колхоз заршунослари давлатга яна 600 тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни 36 центнерга етказишни мўлжалга олдилар.**

## Ватанимизнинг муносиб ҳимоячиларини тарбиялайлик

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгашининг 14 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида гап чақириқ ёшигача бўлган йигитларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларни ҳақиқий ҳарбий хизматга тайёрлаш ишини қайта қуриш тўғрисида борди.

Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони армия генерали Н. И. Попов докладида, нутқларда сўнгги икки йилда Ўзбекистон ва Туркманистон корхоналари ҳамда ўқув юртларида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўпроқ эътибор берила бошлаганлиги таъкидланди. Мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида бошланғич ҳарбий тайёргарликнинг моддий-техника базаси анча яхшиланди. ДОСААФ мактабларида қуролли кучлар учун мутахассисларни ўқитиш сифати ошди. Армияга чақириладиган ёшлар учун спорт-соғломлаштириш лагерлари тузилди ва улар муваффақиятли иш олиб бормоқда, бу лагерларда болалар бошланғич ҳарбий кўникмалар ва билимларни эгаллайдилар.

Бироқ ёшлар билан ишлашни тубдан яхшилаш учун ҳали барча резервлардан фойдаланилмаётганлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Кадрлар муаммоси ҳамон ўткирлигича қолмоқда. Мактабларда ва ҳунар-техника билим юртларида билимлари бўш бўлган рус тили ва бошланғич ҳарбий тайёргарлик ўқитувчилари ҳали ҳам кўп. Ҳарбий раҳбарлар орасида армияда хизмат қилмаган ва ҳарбий ишни чинакам билмайдиган одамлар бор. Бунинг натижасида армияга чақирилувчилар орасида рус тилини билмайдиган ва жисмоний тайёргарлиги заиф йигитлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Кўпгина ўқув юртларида бошланғич ҳарбий тайёргарлик юзасидан ҳозирги талабларга жавоб берадиган моддий база ҳали ҳам яратилмаган. Мактаб ўқувчилари учун машғулот ўтказишда яқин атрофдаги ҳарбий бўлинмаларнинг полигонлари, ўқ отиш майдончалари ва ўқув синфхоналаридан фойдаланилмаяпти.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгашининг мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

### Г. Колнинг Совет Иттифоқига қиладиган визитига доир

Совет раҳбариятининг таклифига биноан Германия Федератив Республикасининг федерал канцлери Гельмут Коль 1988 йил 24 октябрдан 27 октябргача расмий визит билан Совет Иттифоқида бўлади.

# ҚИШЛОҚДА ИЖАРАНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК, ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҚАЙТА ҚУРАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-, 2- ва 3-бетларда).

ҳузурига, ишчилар ҳузурига бориш, халқ орасига кириш лозимлигини тушундик. Район партия активларининг ишчиларимиз, мутахассисларимиз, раҳбарлар билан жуда кўп суҳбатлари вақтида биз пайчилик асосида жун етиштириш билан шуғулланадиган совхоз — хусусий кооператив тузиш керак, деган фикрга келдик.

Совхоз, масалан, кооперациянинг коллектив аъзоси сифатида кооператив сурувига 800 бош қўй, яъни ўз улушини қўшади. Чўпонлар бригадаси одатда тўрт кишидан иборат бўлади—у сурувга 200 бош қўй беради. Бошқача қилиб айтганда, кооперативдаги совхоз мулки 80 процентни, бригада чўпонлари шахсий ёрдамчи хўжалигининг улуши эса 20 процентни ташкил этади. Бундай кооперативлар ўз фаолиятини ўтган йилнинг сентябридан бошлаган.

Совхоз кооперациянинг коллектив аъзоси сифатида хўжалик ичидаги бу совхоз -хусусий кооперативга ўз мулки бўлган қўйлардан ташқари бошқа асосий ишлаб чиқариш воситалари: қўра, ем-хашак, машиналар, ускуналарни етказиб беради, транспорт, зооветеринария хизмати билан, яъни ана шу кооператив фаолияти учун зарур бўлган ҳамма нарсалар билан таъминлайди. Меҳнатга ҳақ ялпи даромадга қараб тўланади. Кооператив ўз маҳсулотини харид нархларида совхозга сотганидан кейин, барча моддий харажатлар ўрнини қоплайди, қолган хўжалик ҳисоби даромадини пайнинг миқдорига қараб совхозга — 80 процент, чўпонлар бригадасига — 20 процент тақсимлайди.

Эндиликда жамоат қўйлари ҳам, шахсий қўйлар ҳам кооператив сурувда аралашиб кетди. Хўжалик ҳисоби даромади — бинобарин чўпон оиласининг фаровонлиги эндиликда ҳар бир қўй-қўзининг сақланиб қолишига, унинг семизлиги даражасига, қўйлардан қанча жун қирқиб олинишига, қўзиларнинг сақлаб қолинишига боғлиқ бўлиб қолди.

Райондаги совхозларда чўпонларнинг 400 бригадасидан 43 таси совхоз-шахсий кооперативларга кирди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг пировард натижа билан, кооперативдаги қўйлар яхши боқилиши билан боғлиқ қилиб қўйилганлиги одамларнинг сурувга муносабатини ўзгартириб юборди, эндиликда улар ҳақиқий хўжайин каби муносабатда бўлмоқдалар. Улар буниси меники, буниси меники эмас, деб ажратмайдиган бўлиб қолдилар.

**М. С. Горбачев.** Энг муҳими эса, ўртоқ Бамбаев, мен бу тажрибани яхши биламан, шахсий қўйлардан ҳамиша 10 килограммдан жун қирқиб олинади, колхоз ва совхоз қўйларидан эса 4—5 килограмм. Колхоз-шахсий кооперацияда эса манфаатлар қўшилиб уйғунлашиб кетади.

**В. Х. Бамбаев.** Энди чўпонлар ўз хўжалик ҳисоби даромадларини кўпайтириш учун турли резервларни қидира бошладилар. Кооперативдаги чўпонлар бригадаси ҳамма нарсани тежамоқда. Эндиликда чорвадорлар дурадгорларни чақиришга шошилмайдилар. Умуман, мумкин қадар камроқ таклиф қилишга уринмоқдалар —ўзлари бажаришлари фойдалироқ. Ҳисоб-китобни янгича йўлга қўйиш одамларнинг ишлаб чиқариш хўжайини мавқеини мустаҳкамлайди. Эндиликда чорвадор кооперативда юксак натижани таъминлашга ҳаракат қилади, чунки кооперативнинг умумий хўжалик ҳисоби даромадидан улуш сифатида оладиган ўз даромади ҳам кўпроқ бўлишини билади.

Тула область Ясногорск районидаги «Ленинский путь» колхозининг раиси **Н. Н. Дубина** моддий-техника таъминоти муаммоларига тўхталди. Бу таъминот яхшилашга муҳтож. Ижарачи коллективларда ҳажми кичик техника етишмаяпти. Ортиқча энергиядан улар бош тортмоқдалар, чунки кичик майдонларда кучли тракторлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Қишлоқдаги социал масалаларни ҳам тезроқ ҳал қилиш зарур. Бунда ўз территорияларида тўла ҳокимиятли хўжайин бўлиб қолиши лозим бўлган халқ депутатлари Советлари катта роль ўйнаши керак.

Грузия ССР Мцхети районидаги «Сагурамой» совхозининг директори **А. И. Жгенти** ўз тажрибаси ҳақида гапириб, хўжалик олдин қолоқ бўлганини, ўтган йили хўжаликнинг зарари салкам 700 минг сўмни ташкил этганини айтди. Биз юқоридан кўрсатма берилишини кутиб ўтирмадик, деди нотиқ, ижара муносабатлари шартларини ўзимиз ишлаб чиқдик ва 1988 йил 1 январда хўжалик юритишнинг янги шароитида ишлай бошладик.

Биз нимага эришдик? Совхознинг бошқарув аппарати қисқариб, 162 кишидан 117 киши қолди. Бўшаб қолган одамлар ижара шартномасини тўлдириб жисмоний меҳнат қилишга киришдилар. Шундай қилиб, аппаратни сақлашда салкам 60 минг сўмни тежадик. Энг қолоқ тармоқлар — чорвачилик ва ем-хашак етиштириш битта комплекс ижарачи бригадага бирлашиб, ер ва молларни, бинолар ва техникани ўз қўлига олди ва у пировард натижа учун тўла жавоб беради. Биз уларга фақат шартномага мувофиқ ёрдам бериб қолмай, шу билан бирга маънавий мадад ҳам бермоқдамиз. Тўққиз ой ичида сут соғиб олиш икки баравар кўпайди, йил охиригача ҳар сигирдан олинадиган сут 3 минг килограммдан ошиб кетишига умид қилмоқдамиз.

Нотиқ конкрет ижрачи коллективлар ва якка тартибдаги ижарачиларнинг иш тажрибаси ҳақида батафсил сўзлаб берди. У ижара муносабатларини ривожлантириш чоғида раҳбарлар ва мутахассисларнинг роли ҳамда масъулияти ортаётганлигини таъкидлади. Шу сабабли уларнинг манфаатларини ҳам пировард натижаларга чамбарчас боғлаб қўйиш, уларнинг меҳнатини нормалашнинг ҳозир амал қилаётган системасини такомиллаштириш керак. Айниқса хўжалик даражасида хизмат қиладиган тармоқ меҳнатини ташкил этишни мумкин қадар тезроқ ижара формаларига мувофиқлаштириш . зарур. Акс ҳолда ишга зарар етади.

Ижарага ўтиш статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоб-китобини тубдан ўзгартиришни талаб қилмоқда, деди хўжалик директори. Ижарачиларга пенсия тайинлаш масаласини тартибга солиш ҳам муҳимдир.

Мцхети райони раҳбарлари хўжаликларнинг раҳбарлари мадади билан ижарачи коллективларнинг дастлабки иш натижаларидан келиб чиқиб, бутун район агросаноат комплексини ижара муносабатларига ўтказиш тўғрисида республика Давлат агросаноат комитетига таклиф киритди. Бу таклифлар қабул қилинди ва ҳозир район агросаноат комплекси бўлажак хўжалик механизмининг вариантлари ишлаб чиқилмоқда.

Иваново-Франковск областидаги Тисменицкий район «Ленинская искра» колхозининг раиси **Д. Н. Палий** хўжаликда тузилган кооперативларнинг иши тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Бу кооперативларнинг ҳар бири ўз харажатларини ўзи коплаш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишламоқда. Ҳар бир кооператив етиштирган нарсани ўзи тақсимлайди. Қўшимча қиймат ярата олмаган экан — ҳеч нарсани тақсимлай олмайди.

Бизда соф фойда 2,2 миллион сўмни ташкил этди. Уч йил ичида давлатга 2 миллион сўмни қайтариб бердик.

**Катта маъмурий** аппаратни сақлаб туриш зарурати қолмади. Агар кооператив у ёки бу мутахассис бўлишини хоҳласа, унга ўзи иш ҳақи тайинлайди. Бизда омилкор одамлар қадрланадиган бўлиб қолди. Бошқалар ҳам шунга мувофиқ ишлайдиган бўлиб қолишди.

Бухгалтерия ҳисоб-китоблари қайта ташкил этилди. Молия-ҳисоб-китоб маркази бор. Марказ ҳузурида кооператив банки ишлаб турибди. Ҳар бир кооперативнинг учтадан счёти бор. Булар асосий фаолият фонди, моддий рағбатлантириш фонди ва социал-маданий тараққиёт фондидир.

Кооперативлар ўз ишлари билан ёшлар орасида ҳурмат қозонди. Олдин йигит ва қизларни ишга жалб этиш қийин эди. Ҳозир эса ўзига хос конкурс ўтказиб, танлаб олинмоқда.

Нотиқ ҳозир қишлоқда юз бераётган жараёнларга мувофиқ равишда мутахассисларни тайёрлашни яхшилашга қаратилган таклиф киритди. У олдин сўзга чиққан нотиқларнинг колхозлар ва совхозларнинг моддий-техника таъминотини тубдан **қайта ташкил этиш зарурлиги ҳақидаги таклифларини** қўллаб-қувватлади. Жумладан, бу автомобиль етказиб беришга ҳам тааллуқлидир. Ғалати аҳвол юз бермоқда: ёнилғи етишмаяпти, аммо ҳар бир автомобилда, масалан, пичан, сенаж ва бошқа баъзи юкларни ташиш чоғида автомобиллар юк сиғимининг учдан бир қисмидангина фойдаланилаяпти, бинобарин юк ташиш учун 2—3 баравар кўп ёнилғи сарфламоқдамиз.

Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг ижара ва бошқа самарали формаларини кенг жорий этиш ҳозирги замон аграр сиёсатининг асосий бўғини эканлигини тажриба кўрсатди, деди Ўзбекистон ССР Сирдарё область Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхозининг ижарачи бўлинмаси бошлиғи, агроном **Қ. Тоҳиров.** Совхозда 1987 йилда янгича ишлашга ўтиш ҳисобига пахта ҳосилдорлиги гектарига 4 центнер оширилди. Бу йилги мавсумда ҳам юқори натижа кутилмоқда. Шуниси характерлики, бунга ишловчилар сонини камайтирилган ҳолда эришилмоқда. Масалан, у раҳбарлик қилаётган коллектив ўз составидан ҳалол, тўла куч билан меҳнат қилишни хоҳламаган ўн кишини чиқариб юборди. Ҳар бир ишловчининг иш унумдорлиги ҳам шунга мувофиқ равишда ошди. Ижарачи бригада формаси асосида шахсий манфаатларни совхоз ва давлат манфаатлари билан боғлайдиган иқтисодий механизм шаклланмоқда. Эндиликда коллективнинг ҳар бир аъзоси — хўжайин, унинг олдида ташаббускорлик учун ҳам, ўзини кўрсатиш учун ҳам катта имкониятлар очилмоқда. Хуллас, ижара пудрати ҳалол, ижодкорлик билан, виждонан иш қилишга имкон беради. Аммо кўпгина муаммолар бор: хусусан механизмлар ва бошқа техника етишмаяпти, пахтачиликнинг агротехника, экономика ва экология масалаларини ҳал қилишга олимлар қўшаётган ҳисса етарли эмас.

Москва областидаги «Москва» агросаноат комплексининг Ленин район улгуржи-чакана савдо мева-сабзавот бирлашмаси 2-магазинининг директори **Г. А. Тен** ижарачиларнинг савдо билан мустаҳкам алоқа ўрнатиши тўғрисида гапирди. У ижарачи коллективларда етиштирилган маҳсулот магазинларга юқори сифати сақланган ҳолда келтирилаётганини таъкидлади. Афсуски, бошқа маҳсулотлар бундай эмас. Бунинг сабаби шундаки, улар магазинга етиб келгунча, катта йўлни босиб ўтади. Бу айниқса, мева-сабзавот маҳсулотларига тааллуқлидир. Мамлакатда мева ва сабзавот жуда кўп миқдорда етиштирилмоқда, амалда бутун мамлакатни тўйдириш мумкин, аммо ана шу маҳсулот йўлларда нобуд бўлмоқда. «Москва» агросаноат комплекси системасидагидек иш тутилса, бу аҳволдан қутилиш мумкин. Бу ерда маҳсулот даладан тўғри магазинга келтирилади.

Нотиқ бу тажрибадан кенг фойдаланиб, ён атрофида магазинлар шохобчаси бўлган мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш билан шуғулланадиган йирик савдо марказлари барпо этишни таклиф қилди. Фақат шундагина, бевосита, тайёрлаш идораларисиз, мева-сабзавот бирлашмаларисиз, ҳар қандай воситачиларсиз, маҳсулотни нобуд қилмай сотиш мумкин бўлади. Маҳсулотни сотиш кенг йўлга қўйилиши ва барчага қулай бўлиши лозим.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларнинг савдо билан шуғулланишларига вақтлари йўқ. Улар далаларда, ўз участкаларида ишлашлари керак. Бинобарин, катта шаҳарларда мева-сабзавот маҳсулотларининг майда улгуржи бозорларини ташкил этиш зарурати ғоят етилди. Бу жуда зарур.

Нотиқ марказий телевидение орқали «Время» программасининг охирида катта шаҳарлардаги бозорларда ёки улгуржи бозорларда нархлар индексини кўрсатиб боришни таклиф қилди. Бундай ахборотни маҳаллий Советлардан олиш мумкин. Нарх индекси ҳаммага керак, улар ижарага даъват этади, ҳозир кам бўлган маҳсулотларни етиштиришга даъват этади, нарх юқори бўлган жойларда уни камайтиради.

**М. С. Горбачев** учрашувга якун ясаб, бундай деди:

Бутун мунозарамизга хулоса чиқарадиган бўлсак умуман ҳаммамиз бир фикрга қўшиляпмиз: ҳамма нарса одамга боғлиқ. У—тегишли тарзда тайёргарлик кўрган одам, манфаатдор одам, барча қулайликларга эга бўлган одам, ерни ва қишлоқ хўжалик меҳнатини севадиган одам бўлиши керак. Гап қишлоқ одамлари хусусида борганида, қишлоқда турмуш тарзини шакллантиришда биз кўп нарсадан маҳрум бўлганимиз, стратегик тарздаги катта нуқсонларга йўл қўйганимиз ҳақида бораётган бўлса ҳам, ушбу ҳолда мен ўзимни оптимист деб ҳисоблайман. Бутун жамиятимиз ҳозир ўзини оптимист деб ҳисобламоқда. Барча зарур нарсаларга, жумладан аграр сектор учун, унинг нормал ишлаши учун имкониятга эга бўлган Совет Иттифоқидек бой мамлакатда озиқ-овқат масаласини тегишли даражада ҳал қилганимиз йўқ.

Ҳозир биз ана шундай шароитни яратиш учун, олдимизда турган вазифаларни ҳал қилишга қишлоқдаги одамларни, қишлоқ меҳнатчисини ҳамда бундан буён ўз тақдирини аграр сектор билан боғлашни истаган барча одамларни жалб этиб, ҳаракат қилишимиз лозим. Одамлар ўз меҳнатларини жамият юксак даражада қадрлашига ишончлари комил бўлиши учун биз ана шундай шарт-шароитларни яратишимиз керак. Чунки деҳқон меҳнатига оғир зарба берилган, деб ўйлайман.

Биз ўзимизга виждонан айтишимиз керак: қайта қуришни авж олдирган вақтимизда ҳамма нарсани тўла ҳажмда тасаввур қила олмаган бўлсак керак. Ҳозир биз ҳаммаси анча мураккаблигини, қийинроқ эканини кўриб турибмиз, аммо бу қайта қуришнинг зарурлигига бизни яна ва яна ишонтирмоқда. Биз ўз қадриятларимиз базасида, танлаб олган социалистик йўлимиз доирасида жамиятни қайта тиклашимиз керак. Мана шу қайта тикланиш учун социалистик тузумимизнинг жуда катта имкониятлари мавжуд. Чунки, унинг негизида, унинг табиати замирида инсон манфаатларини назарда тутиш ва инсонни кўзлаб иш тутиш бор, бутун фаолиятимиз маркази — инсондир. Биз ерга унинг хўжайинини қайтариб беришимиз, социалистик мулкчилик замиридаги имкониятлардан тўла фойдаланишимиз, инсон ерда иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан хўжайин сифатида мустаҳкам ўрнашиб қолиши учун ҳамма ишни қилишимиз керак.

Биз демократия механизми, социалистик демократия орқали (чунки бошқа демократия бунга қодир эмас, у бунга йўналтирилмаган) барча асосий қарорлар аппаратнинг эмас, ҳатто энг билимдон, халққа энг садоқатли аппаратнинг самараси эмас, балки меҳнаткашлар фаолиятининг чинакам самараси бўлиши учун одамларни сиёсий жараёнга жалб этишимиз лозим. Жамиятни соғломлаштириш, ахлоқий-маънавий жиҳатдан уни қайта тиклаш орқали одамларни социалистик қадриятлардан, ахлоқимиздан, умумбашарий қадриятлардан кўпроқ баҳраманд этишимиз лозим.

Умуман, буларнинг ҳаммаси бир-бири билан боғлиқ, ўртоқлар. Шу сабабли, биз қайта қуришимизни мана шу барча асосий йўналишларда олиб бормоқдамиз.

Назаримда, учрашувимизда тилга олинган ҳамма нарсалар — бу ҳам инсонни асосий қадриятларга, ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш орқали социализмнинг янги қиёфасини, демократиялашни ваъда қилаётган ва уни таъминлаши лозим бўлган жиҳатларга қайтаришдир. Ижара пудрати, ижара муносабатлари орқали фақат экономика эмас, шу билан бирга бутун жамият ҳам ғоят демократиялаштирилмоқда. Бу ерда ҳаммаси бир-бирига қўшилиб, яхлит тус олади. Бу ғоят чуқур, революцион қайта қуришдир.

Бу жараён яна шунинг учун ҳам жуда муҳимки, у базисга, жамиятнинг негизига тааллуқлидир. Қайта қуриш омиллари инсон ҳаётий фаолиятининг ҳамма соҳаларига бориб тақалади. Шу сабабли, ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш — энг муҳим вазифадир. Бу бутун экономика ва аграр сектор учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифадир.

Янги формалар жуда кўп бўлаверсин. Мен намуна хўжалик ташкил этиш тўғрисидаги таклифга жуда эҳтиёткорлик билан, маълум даражада хавфсираб қарайман. Бошқа нарсаларни билмадиму, бизда тажриба хўжаликлари, база хўжаликлари ҳам бор эди. «Моделлар» ҳам бор эди.

Менимча, энг муҳими қуйидагилардан иборат. Социалистик мулк мавжуд. Инсонни активлаштириш орқали, ишлаб чиқариш муносабатларида унинг мавқеини мустаҳкамлаш орқали ана шу социалистик мулкнинг имкониятларини рўёбга чиқариш керак. Бу асосий жиҳатдир, қайта қуришнинг моҳияти мана шундадир. Айниқса, аграр сектордаги қайта қуришнинг моҳияти мана шунда. Чунки, бу ерда гап инсоннинг ер билан, жонли организмлар билан боғлиқлиги тўғрисида бормоқда. Уни ана шулардан ажратиб бўлмайди. Биз ана шундай қилсак, у ҳолда ажралиш юз беради, инсон ердан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан бегоналашиб қолади. Бу эса қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг пировард натижаларига таъсир этади.

Шу боисдан биз, энг аввало, аграр сектордаги ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуришимиз лозим. У ёки бу хўжаликнинг, у ёки бу зонанинг, регионнинг конкрет шароитларига мос келадиган, иш берадиган, ана шу вазифани амалга оширадиган ҳамма нарса яшаш ҳуқуқига эга бўлаверсин. Шу муносабат билан мен бу ерда тилга олинган формалардан бирортасини ҳам инкор этмайман. Колхозлар ва совхозлар, кооперативлар, ижара муносабатлари, инсоннинг ер билан, ишлаб чиқариш воситалари билан боғлиқлиги уларга асос қилиб олинган. Биз велосипед ихтиро қилишимизга ҳожат йўқ. Кооператив орқали кооперативларнинг имкониятларини рўёбга чиқаришимиз лозим — бу асосий йўналиш. Бу ўринда турлича ёндашувлар ва формалар бўлиши мумкин, чунки колхозлар ва совхозларнинг ўзлари ҳам турличадир.

Масалан, Ноқоратупроқ ерларда, аввало, одамларнинг у ерга қайтиб бориши учун шарт-шароит яратиш керак. Ана ўшанда бу жараён авж олиб кетади. Бу эса, ижара муносабатлари орқали одамларни бу зонадаги ерга қайтариш лозимлигини бекор қилмайди. Эстонияда, Болтиқ бўйида эса таркиб топган ўз анъанаси бор.

Колхоз ва совхозни шартнома орқали хусусий сектор билан боғлаш, хусусий секторни ишлаб чиқариш муносабатларига жалб этиш ва шу йўл билан унга тағин ҳам кўпроқ социалистик тус бериш керак. Социалистик мулк негизида коллектив хўжалик билан бизда таҳқирли эшитиладиган хусусий кишилар эмас, балки чинакам омилкор хўжайин боғлиқ бўлиши керак.

Қисқа қилиб айтганда, амалда, асосий йўналишда — иқтисодий муносабатлардаги катта ўзгаришлар орқали одамларни ерга қайтаришда ўзини оқлайдиган ҳамма формаларни қўллаб-қувватлаган бўлардим. Бу сўзимнинг охирида таъкидламоқчи бўлганларимнинг биринчиси.

Иккинчидан, бугун ҳар ҳолда шуни қатъий қилиб айтиш керак: хўжаликлар билан янги иқтисодий формаларга ўтиш зарур. Ана ўшанда баъзи бировлар учун яхши шароитлар ва бошқаларнинг норозиликлари учун сабаб қолмайди. Мана сизга мисол. Акакий Иванович Жгенти ва бошқалар бу ҳақида гапиришди. Саккиз ёки тўққиз ой ишлашганидан кейин қарабсизки —750 минг сўм зарари бўлган хўжалик бир йил ичида фойда кўриб ишламоқда. Бу ёғига суръат яна ортаверади, одамлар қаддиларини ростлаб оладилар, ўз кучларига ишонадиган бўладилар. Энг асосий қийинчилик — одамларнинг психологиясини ўзгартиришдир. Одамлар бундай ўйлашади: бошлиқлар бизни алдашмаяптими, улар бизни қаёққа тортишаяпти? Одамлар бизнинг сиёсатимизга, амалий ҳаракатларимизга ишонишлари учун ҳалол, очиқчасига ҳаракат қилиш керак. Бу эса бутун жамиятимизнинг — ишчилар синфининг ҳам, қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг ҳам манфаатларига мос келади. Уларнинг манфаатларини уйғунлаштириш орқалигина бунга эришиш мумкин. Мамлакатимизда тўпланган тажриба, бундай тажриба анчагина, шуни кўрсатмоқдаки, ёппасига шу йўналишда ҳаракат қилиш, хўжалик юритишнинг янги методларига ўтиш лозим.

Шу муносабат билан: қандай қилсак олдинги хатоларни такрорламаймиз, «сохта» ҳисоботлар йўлига ўтиб кетмаймиз, жонли ишни сохталаштириб зўр бериб мусобақалашишга ўтиб кетмаймиз, деган савол туғилади. Гап ишлаш лозимлиги ҳақида бормоқда. Бугун қилинаётган барча яхши, эзгу ишлар одамлар ўзлари қабул қилган қарорлар, уларнинг иродаси билан бўлиши жуда муҳим. Агар биз одамларни ижарага ўтишга «мажбур қилишаяпти», деб айблашларидан қўрқиб уларни ижара муносабатларига жалб этиш юзасидан ҳеч қандай иш қилмасак, нотўғри иш бўлур эди. Мен аксинча, бўлиши керак деб ўйлайман. Илғор тажрибани, ютуқларимизни кенгроқ пропаганда қилиш, кўрсатиб бериш лозим, токи одамлар уларни кўрсинлар, билсинлар, танишиб олсинлар, бу мавзу матбуот ва телевидениенинг доимий мавзусига айланиб қолсин.

Қандай воқеа юз бераётганига қаранг, ҳозир энг қизиғи — қайта қуриш қандай бораётганлиги ва энг муҳими эса — халқнинг ўзи қарор қабул қилаётганлигидир. Бу райком бюроси ёки бошқа раҳбар ташкилотнинг кўрсатмаси билан бўлмаётгани ҳақида ёзиш ва кўрсатишдан иборат. Йўқ, одамларнинг ўзлари тушуниб етдилар ва ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилмоқдалар. Худди шундай бўлиши учун ақлли, фаҳм-фаросатли, инсоний, иқтисодий, мафкуравий иш зарур. Шундай қилиш кераки, турли «тазйиқлар» билан шуғулланмаслик, директивалар ва кўрсатмалар тўқимаслик лозим, балки янги методларни халқнинг ўзи эгалласин. Илғор тажрибани пропаганда қилиш орқали, унда одамларнинг ўзлари иштирок этиши орқали ана шунга эришиш керак, биз учун худди мана шундай йўл мақбул! Бу ҳамма нарсани ўз ҳолига ташлаб қўйиш эмас, ўртоқлар, бу умумхалқ ҳаракати бўлиб, уни янги формалар сари, юксак унумдорлик сари, энг яхши натижалар сари олиб бориш керак.

Жамият яқин вақт ичидаёқ қишлоқ бутун мамлакат учун тағин ҳам кўпроқ сифатли маҳсулот етказиб беришига муҳтождир. Бу эса улкан рағбатдир. Бутун мамлакатнинг эҳтиёжи шундайки, бу эҳтиёж ҳеч қандай холис ниятли одамни лоқайд қолдирмайди. Бинобарин, одамлар хўжалик юритишнинг янги формаларига ва қишлоқ хўжалигида янги натижаларга олиб борадиган жараёнга қўшиладилар.

Биз ўз қийинчиликларимизнинг объектив ва субъектив, психологик сабабларини кўриб турибмиз. Агар биз бу сабабларни кўрмаганимизда, ён-веримизга қарамасдан ҳаракат қилган бўлар эдик. Бундай ҳаракат эса улкан ва мураккаб ишда ҳеч нарса бермайди, фақат мамлакат тараққиётининг муҳим босқичида бутун аграр сиёсатимизни обрўсизлантиради, холос. Шу боисдан реалликларни англаб етиш асосида янги усулларни ўзлаштириш учун ғоят хушмуомалалик, лекин бағоят фаоллик билан иш олиб боришимиз лозим. Мамлакатда — фақат қишлоқ хўжалигида эмас, ҳамма жойда пул ишлаб топилишига эришмоқ керак. Меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ натижа бўлмас экан, пул тўламаслик лозим. Агар шу принцип изчиллик билан амалга оширилса, ҳамма янги йўлларни қидириб қолади.

Ҳар бир киши пировард маҳсулот учун, унинг миқдори ва сифатига қараб ҳақ оладиган бўлса, бизда ҳамма нарса муҳайё бўлади. Ишлаб чиқариш воситалари ҳам, халқ истеъмоли моллари ҳам муҳайё бўлади. Агар хўжаликнинг ҳар қандай соҳасида ҳар бир киши муғомбирлик, олғирлик қилса, фақат ўзи ҳақида ўйласа, давр тақозосига жавобан иш тутмаса, ўзингиз айтингчи, бизда товарлар қаердан пайдо бўлади, пулга нимани сотиб олинади?

Социализмда ҳамма бу — ўз жамияти эканлигини тушуниб етиб ишлаши, ишлаганда ҳам онгли, ташаббускорлик, мусобақалашув асосида коллектив бўлиб ишлаши керак. Шу сабабли яна такрор айтаманки, масалани шундай қўйиш керак: ишлаб топилмаган пулни тўлаш мумкин эмас, шу жумладан бошқарув аппаратига, фанга, ҳаммага ҳам тўлаш мумкин эмас, ана ўшанда хўжалик юритишнинг янги, энг самарали формаларини қандай қилиб тезроқ ўзлаштириш йўлларини излаб қолишади, ҳаёт уларни тўғридан-тўғри ижара муносабатларига, иқтисодий муносабатларни қайта қуришга олиб келади.

Бугунги гурунгимиздан жуда мамнунман. Бу ерда ўртага қўйилган конкрет тусдаги муаммоларни сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш чоғида, энг муҳими эса — ижара ва ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқиш чоғида ҳисобга оламиз. Ҳозир бундай қонунларни тайёрлашга киришилмоқда.

Биз КПСС Марказий Комитетининг Пленумига аграр сиёсат хусусидаги стратегик мулоҳазалар ва таклифлар билан боришимиз керак. Шу билан бирга бу ҳужжат СССР Министрлар Советининг бошқарувнинг иқтисодий муносабатларини қайта қуришга, социал қурилишга, фан ва техника масалаларига, кадрлар билан таъминлашга доир бир неча қарорларига асосланади. Аграр секторимиз тараққиёти учун янада кенг йўл очиб беришга ҳам социал-иқтисодий, ҳам илмий-техникавий, ҳам ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш учун шак-шубҳасиз, бу масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш лозим.

Яна такрор айтаманки, бу — мамлакат, халқ учун жуда зарур. Бу энг устун даражадаги вазифа бўлиб қайта қуриш шароитида биз уни ҳал этишимиз керак. Фаол иштирок этганларингиз учун ҳаммангизга миннатдорчилик билдираман.

(ТАСС).

# ТАШАББУС, МУСТАҚИЛЛИК, МАСЪУЛИЯТ КЎПРОҚ БЎЛСИН

Мамлакатимиз 29 октябрь куни 70 йиллик юбилейини нишонлайдиган Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ўз тараққиётининг янги босқичига кирди. Ўтган йиллар ичида комсомол тарихига кўпгина шонли ва машаққатли саҳифалар битилди. Унинг байроғидаги жанговар ҳамда меҳнат орденлари ёшларимиз турли авлодлари катта йўлнинг барча босқичларида мардлик, фидойилик кўрсатганидан далолат беради.

Лекин бу йўл фақат муваффақиятлар билан нишонланган эмас, турғунлик йиллари ёшларнинг жамоат ташкилотига ўз таъсирини кўрсатди. У расмиятчиликдан, бюрократизмдан кўпроқ жабрланиб, ўз обрўсини йўқота бошлади. Ягона сиёсий кун қатнашчилари бу ҳақда ошкора ва принципиал гапирдилар. Республика ёшлари амалга оширган ишлар ёнига ҳозирги

## РЕСПУБЛИКА МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА 14 ОКТЯБРЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН ЯГОНА СИЁСИЙ КУН ҚАТНАШЧИЛАРИ КОМСОМОЛ ВА ЁШЛАРНИ АНА ШУНГА ДАЪВАТ ЭТДИЛАР

кунда дадил қўшиш мумкин бўлган яхши ишлар ҳам айтиб ўтилди. Чунончи, Ўзбекистондаги мавжуд комсомол-ёшлар меҳнат коллективларининг кўпчилиги хўжалик юритишнинг янги шароитларида муваффақиятли ишлаётганликлари, жамиятимизни қайта қуришга катта ҳисса қўшаётганликлари қайд этилди. Комсомолнинг 70 йиллигига тайёргарлик даврида социалистик мусобақанинг янги самарали формалари пайдо бўлди ва у кенг ёйилди. Энди социалистик мусобақа илғорларини аниқлаш чоғида рапортларнинг ғолибона рақамларигина қараб чиқилмаётир, айни вақтда ёш меҳнатчиларнинг актив гражданлик позицияси, уларнинг ўз намуналари билан бошқаларни орқаларидан эргаштира олишлари, корхона, колхоз ёки совхоздаги барча ишларга шахсий таъсир кўрсатишлари ҳам ҳисобга олинмоқда.

Меҳнат коллективларида айни ёшлар амалий, самарали ташаббуслар ижодкори бўлаётгани ҳақида фахр билан мисоллар келтирилди. «Туямуюнгидрострой» электр пайвандчиси А. Бекчонов, Бухоро трикотаж фабрикасининг тикувчи-мотористкаси М. Мажидова, Жиззах пластмасса буюмлари заводининг қуювчиси С. Исломова каби кўплаб ёш ишчилар ўз корхоналаридагина эмас, районлар ва областларнинг комсомол ташкилотларида ҳам юксак унум билан меҳнат қилиш ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш ҳаракатининг ҳақиқий карвонбошилари бўлиб қолдилар.

Шундай бўлса ҳам, амалга оширилган ишлар бугун янгиланишнинг оғир йўлидан бораётган республика комсомол ташкилотининг дастлабки қадами эканлигини тан олиш лозим. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорлари комсомоллар ва ёшларга кенг фаолият майдонини очиб берди. Партия бугунги кунда ёшларга аввалгига қараганда кўпроқ мустақиллик, жамиятдаги ишлар аҳволига бевосита таъсир кўрсатиш имконини бермоқда. Ёшлар ҳақида ҳозир ишлаб чиқилаётган Қонун уларга бўлган катта ишончнинг яна бир далили бўлади.

Худди ёшлик, аввало, демократия, ошкораликни кенгайтириш ғояларини ўзига сингдирган ва ундан кундалик ҳаётда кенг фойдаланадиган бўлиши керак. Комсомолни кейинги йилларда кўпинча ғўрликда, етилмаганликда, бошланган ишни охирига етказа олмасликда айблаб келдилар. Биринчи навбатда худди ана шу камчиликлардан қутулиш зарур. Комсомол ташкилоти совет ёшларининг бир неча авлоди ҳақиқатан ҳам сазовор бўлган ўз обрўсини тиклаши зарур.

Республикамизда ўтказилган Ягона сиёсий кун доирасида меҳнат коллективларида бўлган йиғилишларда комсомол ташкилотлари шанига ҳам, ёшларнинг айрим категориялари — депутатлар, комсомолда ишлаётган ёш коммунистлар, сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзолари шанига ҳам конкрет мулоҳазалар билдирилди, тавсиялар ҳамда маслаҳатлар берилди.

Республикада Ягона сиёсий кунни ўтказишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, партия, совет ва касаба союз ходимлари, министрликлар ва идораларнинг, Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи республика ва область ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

# ХЎЖАЛИК ҲИСОБИГА ЎТИШГА ТАЙЁРЛАНИБ

Тошкентда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ семинар-кенгашида мамлакат автомобиль йўлчилари тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиши олдидан муаммолар кўриб чиқилди. Кенгашда СССР Министрлар Совети, Госплани ва Молия министрлиги, республика министрликлари ва идораларининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашда хўжалик юритишнинг янги шароитларида тармоқ ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг иш программаси белгилаб олинди.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Судаpенков иштирок этди. (ЎзТАГ).

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ШАХМАТ:

## ЧЕМПИОННИНГ МАВҚЕИ

Рейкьявикда жаҳон кубоги учун ўтказилаётган мусобақанинг учинчи босқичи давом этмоқда. Саккизинчи турда Михаил Таль — Андрей Соколов билан дуранг ўйнаб, очколарини 5,5 тага етказган ҳолда пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлади. Соколов пешқадамдан ярим очко ортда. У яна икки шахматчи — Александр Бельявский билан Яан Эльвестлар қатори 2—4 ўринларни эгаллаб турибди. Жаҳон чемпиони Г. Каспаров эса ҳозирча еттинчи ўринда. У навбатдаги учрашувни исландиялик Маргейр Петурссон билан ўтказиб, очколарини баҳам кўрди. Чемпион ҳисобида 4,5 очко бор.

СИНХРОН СУЗИШ:

## НАФОСАТ БАҲСИ

Тошкентда республика биринчилиги ўтказилди. Тиниқ сувда нафис ҳаракатлар бажариш кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Ёлғиз чиқишларда тошкентлик Ирина Савина, Римма Латифулина ва Светлана Плотниковалар мажбурий программани маҳорат билан бажаришди. Эркин программа бўйича ҳам улар бўш келишмади. Фақат бу гал Светлана ўрнини О. Шчелкина эгаллади. Жуфт бўлиб баҳслашишда Савина — Латифулиналар биринчи бўлишди. Мусобақада асосан Тошкент ва Андижон спортчилари қатнашишди. Фарғона, Сирдарё областларидан спортчиларнинг сабабсиз келмагани кўпчиликни ранжитди.

ФУТБОЛ:

## ФАҚАТ ДУРАНГ

Жаҳон чемпионати саралаш учрашувларини ўтказаётган учинчи группа командалари ўртасидаги ўйинлар ҳозирча фақат дурангдан нари ўтмаяпти. Туркия — Исландия командалари учрашуви ҳам 1:1 бўлди. Ҳозирча Исландия футболчилари икки очко билан олдинда боришмоқда. СССР ва Туркия командаларида биттадан очко бор. ГДР ва Австрия футболчилари ҳали учрашув ўтказишгани йўқ.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Р — 11043. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 237. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12